Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 22 DEKABR ◆ SHANBA ◆ № 152 (26.854)

## АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ К. ПАУЭЛЛНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ТАБРИГИ

**Америка Қўшма Штатлари халқи номидан барча Ўзбекистон халқига муборак Ийд ал-Фитрни тилайман.**

**Қўшма Штатлар насронийлар, яҳудийлар, мусулмонлар ва бошқа кўпгина динлар вакилларининг уйидир. Ушбу осон бўлмаган дамларда ҳар бир киши ўз устуворликлари ва қадриятларини қайта кўриб чиқмоқда.**

**Америка халқи 11 сентябрда рўй берган мудҳиш воқеалар муносабати билан бутун дунё изҳор этган бирдамликлардан чуқур таъсирланди. Сиз изҳор этган хайрихоҳлик ва қўллаб-қувватлаш учун ташаккур.**

**Эҳтиром ила,**
**Колин Пауэлл**
**2001 йил 19 декабрь.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Жаноби Олийлари,**

**Сизга, Ҳукуматингизга ва Ўзбекистон халқига янги 2002 йил муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман.**

**Биз Халқаро университетни таъсис этиш йўли орқали Ўзбекистон билан яқин алоқаларимизни янада кенгайтирамиз, деб умид қиламиз. Унинг тузилишига ўз ҳиссамизни қўшишдан бахтиёрмиз.**

**Сўнгги ойлар давомида Сизнинг мамлакатингиз халқаро янгиликларда кенг ёритилди. Шу ўтган вақт мобайнида биз хаёлан Сиз билан бирга бўлдик.**

**Эҳтиром ила,**
**Др. Ж. Копланд,**
**Вестминстер университети ректори**
**20 декабрь, 2001 йил.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 20 декабрь куни Қашқадарё вилоятига сафари чоғида хорижлик журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилиб, унда бошқа масалалар қаторида Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосига ва уни ҳал этишнинг истиқболларига муносабати баён этилди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш масалаларига бағишлаб БМТ раҳнамолигида ўтказилган Бонн конференцияси натижаларини маъқуллайди ва Ҳамид Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлайди. Эришилган келишувлар мамлакатдаги турли гуруҳларни ўзаро муросага келтириш йўлидаги илк қадам ҳамда Афғонистонда давлат тузилишининг конституциявий асосларини яратиш борасидаги жиддий силжиш бўлди.

Мавжуд шароитда, 20 йилдан ортиқ давом этган уруш, тартибсизлик, шубҳа ва ишончсизлик муҳитидан чиқиш борасида энди иш бошлаган Афғонистоннинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинса, мамлакатдаги барча кучлар ҳам Бонн конференцияси натижаларидан қониқишини умид қилиш қийин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Бонн конференцияси натижаларини муҳим сиёсий келишув, деб баҳолагани ҳолда, айрим минтақавий, этник ва диний гуруҳлар вакилларининг Афғонистонни сиёсий жиҳатдан ва давлатчилик нуқтаи назаридан қайта тузиш борасидаги изоҳ ва шарҳларини табиий ҳол ҳисоблайди.

Айни пайтда мавжуд шароитда Афғонистонда самарали ички сиёсий мулоқотларни йўлга қўйиш ғоят муҳим, деб ҳисобланмоқда. Бу мулоқотлар умуммиллий тотувликка эришиш жараёнига салбий таъсир кўрсатадиган мавжуд келишмовчилик ва зиддиятларнинг кескинлашувига йўл қўймаслиги керак.

Ўзбекистон томони шунга қатъий аминки, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган қонуний ва кенг асосдаги ҳукуматни шакллантиришга умумий ёндашувни таъминлаш учун қуйидаги ўта муҳим уч шартни инобатга олиш керак:

**Биринчи.** Афғонистонда узоқ йиллик уруш давомида йиғилиб қолган катта миқдордаги қурол-яроғни камайтириш. Янги ички ҳарбий-сиёсий келишмовчиликлар юзага келишининг ҳамда Афғонистондан халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун демилитаризация қилинган бетараф мамлакатни шакллантириш.

**Иккинчи.** Ўзбекистон тан олинган ўз чегаралари доирасидаги ягона ва бўлинмас Афғонистон тарафдоридир. Шу билан бирга, тарихан шаклланган минтақавий ва этник хусусиятларини ҳисобга олиб, Афғонистоннинг давлат тузилиши асосига федерация шакли қўйилишини мақсадга мувофиқ, деб билади.

**Учинчи.** Афғонистонни тиклаш бўйича донор давлатлар кенгаши томонидан бошқариладиган ягона халқаро жамғарма тузиш. Бу жамғармадан ажратилган маблағлар Афғонистондаги ички кучларни мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришиш, уни гуллатиб-яшнатиш йўлидаги самарали саъй-ҳаракатларга рағбатлантирмоғи лозим. Бу можародан сўнг ижтимоий-иқтисодий тикланишнинг муҳим омилидир.

Яқинда, шу йилнинг 18 декабрида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котиби Кофи Аннанга Мурожаатнома йўллаб, унда Афғонистонда юзага келган вазият ва шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда, ҳозирда тўпланиб қолган катта миқдордаги қурол-яроғни йиғиб олиш ва камайтиришга оид масалаларни ечиш заруратини баён қилган эди.

## ҚАШҚАДАРЁ: ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР



■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

## «МАЪРИФАТ» ЙЎЛИ ЁРҚИНДИР

Қадимдан ва бугунга қадар шу ақида ўз кучини йўқотмаган: дунёни билишнинг асосий мезони маънавиятли ва маърифатли бўлишликдир. Иқтисодий баркамолликни ҳам тафаккури ва билими чуқур илдиз отган, эзгулик сари юз бурган, бир сўз билан айтганда, инсонийликнинг улуғ сабоқларини таҳлил қила билган халқ ярата олишига шубҳа йўқ. Ўзбек нашрчилиги шу жиҳатдан ҳам ўз йўли, ғоя ва мақсадларига эга.

Кеча республикамизда таниқли ҳамда ўз тарихий йўли мавжуд нашрлардан бири — «Маърифат» газетасининг турли номлар билан шу пайтгача чоп этилганига 70 йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда «Маърифат» газетаси таҳририяти ҳамкорлигида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда матбуотнинг ўрни» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган ушбу йиғинда мутахассислар, фанимиз фидойилари, журналистлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

■ **Муқаддам АЛИБОЕВА**

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲТАШАМ ИМОРАТИ

### КУНИ КЕЧА ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

**МДҲда муқобили йўқ бу мажмуа уч ярим йил мобайнида ҳар куни бир ярим мингдан ошиқ оғир техника, 7 ярим мингдан ортиқ ишчи ва мутахассислар томонидан барпо этилди. Ишлаб чиқариш иншоотларининг ўзигина 150 гектардан зиёд майдонни эгаллашига қараб бу улкан мажмуанинг кўламини тасаввур қилиш мумкин.**

**Корхонанинг технологик асосини барпо этиш учун 657 миллионга яқин, инфратузилмалар учун эса 328 миллион, жами бўлиб 1 миллиард АҚШ долларига тенг иш ҳажми бажарилган.**

**Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги яйдоқ саҳро бағрида қад кўтарган бу иншоотнинг ишга туширилиши мамлакатимиз саноатининг янада барқ уриб ривожланиши учун улкан имкониятлар яратади. Корхонада йилига 125 минг тонна полиэтилен, дунё бозорида харидоргир бўлган 137 минг тонна суюлтирилган газ, 4,2 миллиард метр куб газ маҳсулоти ва 4 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарилади. Шунингдек, корхонанинг ишга туширилиши мамлакатимизда пахта саноати, пластмасса, плёнка, кабель тайёрлаш, қадоқлашда ишлатиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кескин ўсишига олиб келади. Минглаб ишчи ўринлари пайдо бўлади.**

**Дунёда таркибида этан бўлган газ конлари бармоқ билан саноқли бўлиб, уларнинг бири айнан Шўртанда жойлашган. Мажмуанинг ишга туширилиши дунёдаги ноёб бу қазилмани хомашё сифатида арзон-гаровга сотмасдан уни тайёр маҳсулотга айлантириб, ички ва ташқи бозорга олиб чиқишга имкон беради.**

**Лойиҳани амалга оширишда АҚШ, Германия, Япония, Италия, Канада, Жанубий Корея, Россия каби давлатлар компаниялари иштирок этди. Уни молиялаштириш АҚШ ва Япония экспорт-импорт банклари, Германиянинг «Гермес» кредит агентлиги, АҚШнинг «Чейз Манхеттен», Германиянинг «Коммерцбанк» банклари томонидан амалга оширилди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай фидойилик кўрсатган «Ўзнефтгазқурилиш», «Ўзмонтажмахсусқурилиш» «Қашқадарёқурилиш», «Қаршисаноатуйжойқурилиш» каби ўнлаб пудратчи ташкилотларнинг ишчи ва муҳандисларининг, монтажчи ва лойиҳачиларнинг жонбозликлари алоҳида қайд қилишга арзигулик.**

**Ана шундай улкан мажмуанинг ишга туширилиши тугаётган йилнинг Ўзбекистон ҳаётидаги яна бир улкан воқеаси сифатида тарихда қоладиган бўлди.**

Юртимизда қурилаётган, ишга туширилаётган қурилишлар шу қадар кўпки, бирор бир иморат, корхона, завод ёки фабриканинг ишга туширилганлиги ҳақидаги ҳар кунги хабарга ҳам кўникиб қолдик. Бу кундалик ҳодисадай бизда таассурот қолдирадиган бўлди. Аслида ана шундай улкан қурилишлар ортида юртимиздаги минглаб фидойи инсонларнинг қанчалик меҳнати, юртимизнинг истиқболи, эртаси, буюк келажаги ётганлигини англайвермаймиз, бугунги ҳар бир қўйилган ғишт эртага келажагимизнинг бақувват иморати бўлажагини ҳис қилавермаймиз.

Аслини олганда уларнинг ҳар бири мустақиллигимизнинг битта тимсоли, ғуруримизнинг бўй-бастидир. Бундай ғурур тимсолларининг энг улканларини санашганда ҳам бармоқ етмайди — «ЎзДЭУ», «Каштекс», Кўкдумалоқ газ конлари, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Кобултекс», «СамКочАвто».

ФАХР

Ниҳоят, Шўртан газ-кимё мажмуи.

Шўро даврида фақат хомашё етказиб берувчи аграр давлатга айлантирилган Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки ўн йилида ана шундай улкан саноат иншоотларини қурди.

Шўро даврида ҳозир Шўртан газ-кимё мажмуи тушган жой поёнсиз янтоқзор эди. Ҳозир бу ёнтоқзор ўрнида 150 гектар ерни эгаллаган МДҲдаги ягона корхона пайдо бўлди. Унинг ёнида шинам иморатлардан иборат ишчилар шаҳарчаси қурилдики, янги-янги кўчалар, боғ-роғлар, хиёбонлар қад ростлаган бу сўлим шаҳарчага қараб, бу ерларни кечагина яйдоқ саҳро эди деса ҳеч ким ишонмайди. Инсоннинг яратувчанлик табиати бу саҳрони обод қадамжога, тиканзорни саноатимизнинг улкан иморатига айлантирди, уни одамлар, юрт хизматига шай қилди.

Шўро даврида фақат аграр хўжаликка айлантирилган, қўлига кетмон берилиб, пахта экишга мажбурланган фуқароларимиз бугун корхонадаги мураккаб техникаларни бошқаришга тутиндилар. Улар энди сувчи, кетмончи эмас, саноатчи, газчи деб атала бошланди. Бу мустақилликнинг иқтисоддаги эмас, бевосита турмушимиздаги, дунёқарашимиздаги тантанаси эмасми?!

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «бу корхонанинг фойдаланишга топширилиши шу юртда яшайдиган, уни жону дилидан севадиган барча инсонлар учун катта байрам, ҳаммамиз учун ғурур ва ифтихор бағишлайдиган воқеа»дир.

Ўзбекистонда буюк келажак қурилмоқда. Келажак авлоднинг фаровон, дунё халқлари орасида муносиб ўрин эгаллаши учун пойдевор ташланмоқда. Бир сўз билан айтганда, эртанги кунни бугун бунёд қилмоқдамиз. Эртамизга шубҳа қилаётганлар эса иморатларимизга қарашсин!

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

## ЙИҒИЛИШЛАРДАН АМАЛИЙ ИШЛАРГА

Сир эмас, қаерда ҳуда-беҳуда йиғилишлар, мажлисбозликлар кўпайса, ўша жойда асаббузарликлар пайдо бўлиши, натижада иш олдинга эмас, орқага кетиши табиий. Шуни эътиборга олган Жиззах вилояти ҳокими Убайдулла Яманқулов Жиззах шаҳри ва барча туман ҳокимлари, вилоят бошқармалари бошлиқларига йиғилишлар ҳамда мажлисбозликларни кескин камайтириш тўғрисида махсус кўрсатма берди. Эндиликда вилоят миқёсида ҳафтада фақат бир марта йиғилиш чақирилаяпти. Ҳар душанба куни ўтадиган бу йиғилишларда ҳафта давомида қилинадиган ишлар режалаштириб олинмоқда. Ҳафтанинг бошқа кунлари зарурат туғилса, мутасадди шахслар билан сим орқали бевосита мулоқот ўтказиш мумкин. Бунинг учун шаҳар ва барча туман ҳокимликларида товуш узатувчи ва қабул қилувчи махсус алоқа ҳамда радиоқурилмалар ўрнатилди.

Шу тариқа аввало каттакичик раҳбарларнинг вақтлари тежаладиган бўлди. Қолаверса, ортиқча оворагарчилик ҳамда исрофгарчиликларга чек қўйилиб, жойларда амалий ишлар кўпаймоқда.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Юртимизда кечаётган шиддатли бунёдкорлик ислоҳотлари олий таълим тизими ходимлари зиммасига ҳам ўзига хос масъулият юкламоқда. Таълим жараёнини замонавий андозалар даражасида ташкил этиш, олий ўқув юртлари моддий-техника базасини шакллантириш ва энг муҳими, соҳа ходимлари малакасини узлуксиз ошириб боришни таъминлаш масалалари ана шуни назарда тутади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мазкур мақсадни кўзлаган ҳолда «Янги ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда Интернетга кириш асосларининг амалий татбиқи» мавзуида олий ўқув юртлари факультетлари деканлари ва ректорларнинг ўқув ишлари бўйича муовинлари иштирокида кўргазмали амалий машғулотларни ташкил этди.

Шу муносабат билан ўтказилган ялпи мажлисда олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик Саидаҳрор Ғуломов сўз олиб, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури биринчи босқичида эришилган ютуқлар, дуч келинган муаммолар ва мазкур дастурнинг иккинчи — сифат босқичида олий ўқув юртлари, хусусан, факультет деканлари олдида турган долзарб вазифалар хусусида тўхталди.

Машғулотлар давомида мазкур йўналишда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

■ **Шуҳрат ОРИФ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## БАҲС-МУНОЗАРАЛИ УЧРАШУВ

*Халқимизнинг илмга чанқоқ ёшлари бугун асосан лицейларда фикр ва шуурларини ошириб, чуқур билим олмоқдалар. Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академик лицейи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.*

*Яқинда халқимизнинг севимли адиби, «Шайтанат» асари муаллифи Тоҳир Маликнинг лицей ёшлари билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда адиб ўзининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериб, айни кунда қандай асарлар устида ижод қилаётгани хусусида сўзлади.*

*Учрашувда лицей ўқувчилари ва ёзувчи ўртасида қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.*

■ **Камола ҲИКМАТОВА,**
**Азамат АКБАРОВ,**
**академик лицей талабалари**



«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

## МАҲАЛЛА — АҲИЛЛИК ҚЎРҒОНИ

# БИРИККАННИНГ БЕЛИ МАҲКАМ

Маҳаллаларнинг йўриғи бошқа-ю, кўп қаватли уйларда ҳамжиҳатлик ва ободончилик ишларини рўёбга чиқаришнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Сир эмас, баъзи йўлакларда қайси қаватда қандай қўшни истиқомат қилаётганини билмайдиган хонадонлар ҳам бўлади. Лекин «дом»ларда истиқомат қилаётганлар орасида ўз салоҳияти, қолаверса, жонбозлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўп бўлади. Фақат улар ўз имкониятларини юзага чиқаришда қандайдир журъатсизлик қиладилар. Борди-ю улар билан яқин мулоқотда бўлиб, кўнгилларига қўл солиб кўрсангиз шундай савобли ишларга қўл урадиларки, бундан нафақат бир-иккита кўп қаватли уйлар, ҳатто даҳада истиқомат қилаётганлар ҳам баҳраманд бўладилар.

Мен пойтахтнинг «Марказ-22» мавзесидаги 13,36,103-уйларда истиқомат қилаётганлар ҳақида мулоҳаза юритмоқчиман. Бу уйларга кўчиб кирилганига 20 йил бўлиб қолди. Бошида ҳамма янги уйли бўлгани учун қувониб, хотиржамликка берилиб яшайверди. Йиллар ўтиши билан шундай муаммолар юзага келдики, бундай қийинчиликнинг олдини олмай ёки бартараф этмасдан туриб кўнгил тинчиши амримаҳол эди. Хусусан, лойиҳада хонадонларда телефонлаштириш кўзда тутилгану амали эса унутилган. Ана шунда биз яшаётган уйларда истиқомат қилаётганлар орасидан ишбилармон, жойларга бориб мурожаат қилганда сўзини топиб гапирадиган кишиларни ишга солишга тўғри келди. Хусусан, А.Пўлатов, А. Аминов, З.Азимов, Ш.Мансуров, Л.Мирзаева, В.Валихонова, К.Босиқулова кабилардан иборат фаоллар гуруҳи тузиб ишга киришдик. Идорама-идора югуриш, бошлиқлар билан муомалада бўлиш анча чўзилди. Ҳайтовур, 1985 йили барча хонадонлар телефонлаштирилди.

Яна бир муаммо кўндаланг бўлиб турарди. Уйлар қурилаётганда тажриба тариқасида ошхоналарга «Лисьва» русумли электр плиталар ўрнатилган эди. Аёнки, халқимиз миллий таомлар тайёрлашда ёғни доғлаб қовуришларни хуш кўради. Бундай плиталар эса қайнатмаю димламаларни ҳозирлашга кўпроқ мос келарди. 4 йил деганда плиталар ишдан чиқа бошлади. Чой қайнатишлар икки соатгача давом этадиган бўлиб қолди. Одамлар ё кўчиб кетиш, ё кўчага ўчоқ қуриш ҳақида ўйлай бошлашди. Барака топишсин, фаолларимиз яна саъй-ҳаракатларини бошлашди. 6 йил деганда электр плиталар ўрнига газ плиталар ўрнатиб беришди. Сўзсиз, газлаштириш ва телефонлаштириш бўйича мутасадди раҳбарларга миннатдорчилигимиз бор. Агар улар сўзимизга қулоқ солмай, қўл силташганда нима қилардик. Шунга ўхшаб «дом»ларни иситиш масаласи, ичимлик сув муаммоси ҳам ҳал этилди. Туман ҳокимлиги раҳнамолигида эскириб қолган қувурлар алмаштирилди. Баҳонада «дом»ларнинг ертўлалари ҳам тозаланди.

Мени мамнун қиладиган нарса шуки, хонадон аҳли ва фаоллар гуруҳи «Бола йиғламаса, она сут берармиди» деган нақлнинг маъносига тушуниб етишди. Шундай, қайси жойда «олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш юритилса, парокандалик ҳукмронлик қилаверади. Қувончлиси, хонадон аҳиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, энг муҳими огоҳлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат каби хислатлар шаклланди. Ҳозир бу «дом»лар бўйича қандай иш бошланса, йўлаклардан «ҳорманглар» деб пешвоз чиқувчилар кўпаймоқда. Ҳовли майдончалари икки-уч марта асфальтланди, симёғочларга осилган чироқлар порлаб турибди. Ҳашар йўли билан юзага келган фаввора атрофи ҳамиша гавжум. Болалар учун спорт майдончаси, кексалар учун ўриндиқлар ҳозирланган. Қараб туриб, бўларкан-ку дейман. Бошқа даҳа ва мавзеларда истиқомат қилаётганлар ҳам ҳаракат қилишса, орзулар рўёбга чиққусидир.

■ **Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ,**
**меҳнат фахрийси**

# ТИНЧЛИК БАРҚАРОР БЎЛСИН

Тошкент электротехника алоқа институтида «Терроризмга қарши оммавий кураш» мавзуида Юнусобод туманида жойлашган олий ва ўрта махсус билим юртларининг талабалари, мураббийлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар террорчи гуруҳларнинг олиб бораётган кирдикорлари бутун жаҳон оммасининг нафратини келтираётганлигини, уларнинг жирканч ниятлари ҳеч қачон амалга ошишига йўл қўйилмаслигини айтиб ўтдилар.

— Мамлакатимизда ва бутун жаҳонда тинчликнинг барқарорлиги учун ҳаммамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак, — деди Тошкент давлат юридик институти талабаси Мирабзал Мироқилов.

Йиғилишда Юнусобод тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Шукриддин Пахруддинов ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Институт ректори ўринбосари Неъматулла Мўминов эса мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари учун яратилган шароитлар ҳақида гапирди.

■ **Сулаймон ҲАЙДАР**





# МАНФААТДОРЛИК ОШМОҚДА

**Пойтахтимиз аҳолисини нон ва нон маҳсулотларига бўлган талабини қондириш соҳа ишчи-хизматчиларидан катта куч ва маҳоратни талаб этмоқда. Бу борада Чилонзор ҳамда Яккасарой туманлари аҳолисига беминнат хизмат кўрсатаётган «Лочира» нонвойхонасини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.**

**Даставвал 3 тонна нон маҳсулоти ишлаб чиқарган жамоа айни кезда ишни кечаю кундуз ташкил этишиб, маҳсулотни 11 тоннадан ошириб тайёрламоқда. Бунда корхона раҳбари, ёш мутахассис «Ўзбекистон нон маҳсулотлари аълочиси» Комил Тўлагановнинг хизматлари катта бўлмоқда. Шу боисдан бу ерда ишлаётганларнинг ўртача иш ҳақлари 40 минг сўмни ташкил этмоқда.**

✧✧✧

<u>**Суратларда:**</u> *1. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи (ўнгда) Учқун Лутфуллаев ишчи Улуғбек Назирбоевга иш жараёни сирларини ўргатмоқда. 2. Новвой Дилфуза Набиева иш устида. 3. Корхона махсус дўконида сотувчи Ларетта Газарян харидорларга хизмат кўрсатмоқда.*



■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

# ЧОРВАДОРЛАРНИ СИЙЛАБ

Сув тақчиллиги ва қурғоқчилик чорвачиликка ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Шунга қарамай, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яъни отару фермаларга, яйловларда боқилаётган қўйларга ем-хашак етказиб бериш мақсадида қўшимча ишчи кучи ва техникалар ажратилган.

— Чорва қишловини намунали ўтказаётган чўпонларга савдо хизмати кўрсатиш асосий вазифамиз, — деди «Қорақалпоқтутинув» акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари Гулмурза Йўлдошев. — Ўтган 11 ойда чорвадорларга 1337 тонна ун, 25,6 тонна макарон, 79 тонна ўсимлик ёғи, 10,5 тонна чой, 10,2 тонна кир совун, шунингдек, туз, гугурт, қанд-шакар ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Чўпонларга, уларнинг ўғил-қизларига иссиқ кийимлар, дарсликлар, ўқув қуроллари етказишга ҳаракат қилинмоқда.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

# «МЕН ЯНГИМАН: ҚУТУЛДИМ...МИ?»

## ЁКИ «ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК»НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОБИР РАҲИМОВ БЎЛИНМАСИДАН НЕГА МИЖОЗЛАР ХУНОБ

Яккасарой тумани, Бошлиқ даҳаси, 5-уй, 40-хонадонда истиқомат қилувчи Фарҳод Мирзаев томонидан таҳририятимизга шикоят хати келди.

«Мен 1999 йил май ойида яхши ният билан «Ўзуйжойжамғармабанк» билан 21-сонли шартнома тузиб уй қурдиришга тушдим, — дейди шикоят хатида у. — Ойма-ой банк белгилаган жадвал — «Приложения №1»га асосан ойлик кредит тўловларини тўлаб бораяпман. Лекин менга берилган уйда яшаш шароити йўқ. Иссиқ ва совуқ сув йўқ, ҳожатхона, ванна ишламайди. Газ, канализация тармоқлари йўқ».

Мазкур шикоят хатини ўрганиш учун Қамарнисо мавзесидаги «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар Собир Раҳимов бўлими томонидан қурилган «банк уйлари»да бўлишга тўғри келди. Шу нарса аниқландики, мавзедаги биргина 4-уйдагина эмас, балки унинг атрофидаги 2-, 3-уйларда яшаётганларнинг ҳам муаммолари мавжуд.

Даставвал тўғри келган 4-уйдаги 10-хонадон эшиги қўнғироғини босамиз.

— Бу хонадон Жаббор Йўлдошевники, — дейди эшикни очган аёл. — Мен оиласи бўламан. Кўриб турганларингдай иккала фарзандимиз билан қийналиб яшаяпмиз. Газ, иссиқ ва совуқ сув йўқ. Уйни қўлбола — электр плита билан иситаяпмиз. Болаларни ташқарига чиқаришга қўрқамиз. Ҳатто эшикнинг тагида канализация қудуқлари очиқ ётибди. Қурилиш ахлатлари олиб кетилмаган. Мана 3-қаватда қўшниларимиз уста олиб келиб, банк қурган уйни қайтадан қуришаяпти, бориб сўранглар...

— Тўғриси, қилинган ишларда сифат йўқ экан. Хонадон эгаси Илҳом ака билан шартнома тузиб уйини яхшилаб бераяпмиз, — дейди ўзини қўқонлик уста деб таништирганлардан бири Ойбек Мадазимов.

— Мен Машҳура Азизова бўламан. Мана шу 2-уйнинг 10-хонадонида турамиз, — дейди онахон. — Уй ўғлим Абдулазиз Азизов номида. Бу хонадонларни банк ва ҳокимият вакиллари ўзаро келишиб қабул қилишган. Узр, ўғилларим, шошиб турибман. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Унитаз тагидан сув оқиб ётибди, тезроқ уста топиб келай.

— Бошида умумий сумманинг 20 фоизи миқдоридаги маблағни бир йил олдин — 1999 йилда 713000 сўмни тўлагандик. Кейин банк чақириб қолди. Қурилаётган уйни кўрсатишди, ўша 20 фоизга 187000 сўм қўшимча бор дейишди, ноилож тўладик, — дейди 14-хонадон соҳиби Раҳматжон Казакбоев. — Ахир банк биринчи тўлаган пулимизни бир йилдан ошиқ ишлатди. Аслида шартномага мувофиқ мазкур уйлар 2000 йил 1 июнигача мижозларга топширилиши керак эди ва ўша шартномада банк ўз вақтида топширмагани учун кечиккан ҳар бир кунга 0,2 фоиз жарима тўлаши қайд этилган. Мазкур уйни топшириш анча кейинга сурилган бўлса-да (ҳали ҳам талабга жавоб бермайди) яна бизга 958000 сўм қўшимча пул тўлашни банк талаб қиляпти. Бўлмаса, ҳар ойлигини ўз вақтида тўлаб бораяпмиз.

Шартнома бўйича чўян иситгичлар, батарея ўрнатилиши айтилган. Лекин бизга ўрнатиб кетгани алюминдан, яна икки қовурғалиси экан. Бундай уйда қишда болалар билан яшаш қийин.

— Квартирада ижарада турардик, — дейди 2-уйнинг 24-хонадонида яшовчи Қундуз опа. — Банк уйига ишониб болаларим 2 ой мактабга боришолмади. Устига-устак шартлашилган шартномадан ташқари яна бир миллион сўм миқдорида қўшимча пул қўшиб беришибди. Уй сифатли бўлса ҳам майли эди-я, томчи томаяпти. Деворлари сифатсиз. Агар деворга мих қоқиб суғурсангиз, тешигидан қум тўкилади. Ромлар сифатсиз ўрнатилган.

Ушбу ҳолатларга аниқлик киритиш учун биз «Ўзуйжойжамғармабанк» Собир Раҳимов бўлими бошқарувчиси Баҳодир Усмоновга мурожаат этдик.

— Банкка яқинда бошқарувчи бўлиб келганман. Шунинг учун бу ҳақда бирон-бир нарса дея олмайман. Сифатсиз қурилиш қилинган бўлса, ана қурувчилар, жавоб бераверсинлар!..

Майли, банк бўлими бошқарувчисининг ҳам сасаси ўлмасин дедик-да «Уйжойқурилиш» ҳиссадорлик жамияти томон йўл олдик.

— Хуллас, аҳоли «Ўзбекистон овози»га ҳам ёзишибди-да, — дейди «Уйжойқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси вазифасини бажарувчи Қурбонали Миралимов. — Тўғриси, мен шу йилнинг май ойидан мазкур лавозимда иш бошладим. Ҳозиргача «ИО»ман. Кам-кўстларини тўғрилаяпмиз. Кейинги ҳафтага 2-3 та «кришка» қилиб бераман. Қаерда кесилган жой бўлса улаяпмиз. Антикоррозия деган коммуникация бор. Шу қилинмаган. Кабеллар учун траншеялар ковлаб қўйиб, пул йўқлиги сабабли кўмиб ташлагандик. Энди қайтадан ковлашга тўғри келди. Кейинроқ келинг, ҳаммаси тахт бўлади.

Дарвоқе, банк ва мижоз ўртасида юз бераётган бундай ҳолатларнинг туб илдизи қаерда? Мижозлар нега гоҳ сифатсиз қурилишдан, гоҳ ўлда-жўлда ётган ишлардан, гоҳ пул тўлашдаги қўшимчалардан (шартнома шартларидан ташқари) фиғони фалакка чиқмоқда? Аслида мана шундай гап-сўзларга ҳожат туғдирмасликнинг йўли бормиди? Бор эди. Назаримда бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз столида ўз ишига меҳр билан қараши, мендан кетгунча қабилида иш юритмаслиги лозим эди. Бундай деяётганимизнинг сабаби бор. Қўлимиздаги ҳужжатларга қараганда, бир эмас, ўн уч ташкилотнинг катта-кичик раҳбари бу банк уйларини оби-тобида қуриб битказилганлигини кафолатлаган. Аниқроғи, «фойдаланишга қабул қилинсин» деган мазмундаги «Қурилиши тугалланган иншоотни фойдаланишга қабул қилиш ҳақида Давлат қабул ҳайъатининг 12-далолатномаси»ни 2000 йилнинг 29 сентябрида тайёрлашган (Аслида, бу далолатнома шартнома шартларига асосан тўрт ой олдин тайёрланиши, уйлар фойдаланишга топширилиши керак эди). Унга мувофиқ мазкур «далолатнома» ушбу 13 нафар мутасаддиларнинг имзолари билан тасдиқланди. Ҳар бир ташкилотнинг муҳри урилди. Шунингдек, мазкур «Далолатнома»га асосан Собир Раҳимов тумани ҳокимининг 916-сонли қарори ҳам «ёруғлик» юзини кўрди. Ачинарлиси, ушбу далолатнома ва қарордан сўнг, орадан бир йилдан ошиқ вақт ўтганлигига қарамай, қурилиш ниҳоясига етмаганлигига нима дейсиз?

— Ушбу Қамарнисо мавзесидаги янги қад ростлаган уйларни ҳужжатлардагина эмас, ўтган-кетган одамлар ҳам мана бу «банк уйлари» дейишади, — дейди ўзининг тасарруфига ҳали олмаётган 3-ЖЭК бошлиғи Дилфуза Аҳмедова. — Мен эса бу уй-жойларни «банк уйлари» деёлмайман. Чунки бу уйларнинг чала ишлари кўп. Қабул қилиб олсак, ўзимизга ташвиш орттирамиз, холос.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

## XORIJDA

## ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ЎРНАТИЛАДИ

Буюк Британия ҳукумати 22 декабрь куни Афғонистон билан дипломатия муносабатларини тиклашга қарор қилди. Бу Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Қарзийнинг расман ўз вазифасини бажаришга киришадиган кунга тўғри келади. Ҳозирча Буюк Британиянинг Кобулдаги дипломатик ваколатхонасига ким раҳбарлик қилиши номаълум.

Шунингдек, Япония ҳукумати ҳам Афғонистоннинг Ҳамид Қарзий бошлиқ янги ҳукуматини тан олди. Мамлакат Вазирлар маҳкамаси бош котиби Ясуо Фукуданинг айтишича, 22 декабрь куни Кобулда ўтказиладиган инаугурация маросимида Япониядан ҳам вакиллар иштирок этади. Яқин кунларда Кобулда Япония дипломатик миссияси фаолият кўрсата бошлайди.

## ТИНЧЛИККА ЧАҚИРУВ



БМТ бош котиби Кофи Аннан халқаро ҳамжамиятни Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш жараёнида фаолликни оширишга чақирди. Исроил билан Фаластин ўртасидаги зиддиятни хорижлик воситачиларсиз ҳал қилиб бўлмайди. Бу ишга АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Россия, Миср ва Иордания бош қўшмоғи лозим, деди бош котиб.

## ТЕРРОРЧИЛАР МАСКАНЛАРИ

АҚШ Штаб раҳбарлари қўмитаси раиси генерал Ричард Майерс америкалик ҳарбийлар Сомалида ҳам терроризмга қарши операция ўтказиши мумкинлигини маълум қилди. Сомалида «Ал-Қаида» ташкилоти қароргоҳлари мавжуд. Улар ҳали ҳам террорчиларни қўллаб-қувватлаб турибди, деди Р.Майерс.

## ҚЎШИН КОБУЛДАН ЧИҚАРИЛМОҚДА



Афғонистон мудофаа вазирлиги маълумотига қараганда, Бирлашган аксилтолибон фронти қўшинлари Кобулдан чиқарилмоқда. Энди пойтахтда тартиб-интизом ўрнатиш фақат миршаблар зиммасига юкланади.

## МУЗОКАРАЛАР ЙЎЛИДА

Шри-Ланкадаги тамил исёнчилари бир ойга қуролли ҳаракатларни тўхтатишга қарор қилди. Гуруҳ раҳбари Вилупиллай Прабхакараннинг айтишича, ҳукумат билан тинчлик музокаралари ўтказиш мақсадида шундай йўл тутилган.

# ИБРАТ

*Ўшанда қирчиллама қиш эди. Тунги сменада энди иш бошланувди. Шу пайт кутилмаганда электр симлар чирсиллаб, олов чиқа бошлади. Довдирадик. У эса тап-тортмай катта кучланишли электр қисмдан токни узди.*

*... Бу воқеага ўн йилдан ошди. Лекин, ҳали-ҳануз Анора Сулаймонованинг ўзига хос бу жасоратини кўпчилик эслаб юради.*

*Ҳа, она — муқаддас. Азиз фарзандлари-ю, ширин-шакар набираларини қалбига жо айлаганлар ҳам, меҳрибонлар ҳам шулар. Дарвоқе деновлик Анора опа ҳақида ҳам таъриф, тавсифлар бисёр.*

*Бу аёлни нафақат туман, балки Сурхон воҳасида кўпчилик танийди. «Меҳнат дафтарча»сидаги қайдномалар ҳавас қилгулик. 27 йилдирки, бир корхона — «Сурхонозиқовқатсаноати» ҳиссадорлик жамиятининг қовуриш цехида меҳнат қилиб келмоқда.*

*– Ўтган йиллар давомида юздан ортиқ шогирдлар тайёрладим, – дейди А. Сулаймонова. — Эндиликда шогирдларим устозга айланган. Баъзан дам олиш ёки байрам кунлари хизмат қилишга тўғри келади. Шунда оила даврасида бўлмасак-да, беминнат хизматимизга яраша иззат топаётганимни ҳис этиб, фахр этаман.*

*Ният битта, у ҳам бўлса кимлигимни фарзандларим, жамоамиз, қолаверса, қишлоқ аҳли билса бўлгани. Шундан-да бахтлиман.*

*Анора Сулаймонова оилада ҳам ота, ҳам она. Тўрт ўғил, икки қизни оқ ювиб, оқ таради. Фарзандларини уйли-жойли қилган. Ҳа, бу кунларга етганлару етмаганлар бор. Опа айтмоқчи, элимиз тинч, халқимиз фаровон, юртимиз ривожланишда собит.*

*– Шундай, орамизда ажойиб инсонлар борки, улар амалга оширган ишларни авлодлар эслаб юришади. Мингдан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхонанинг бугунги жамоаси ҳам Анора опани меҳнаткашлиги ва ҳалоллигидан ибрат олмоқда, – дейди корхона раҳбари Раҳимжон Тожиддинов.*

■ **А. ҲАЙДАРОВ**

